*ЎЗБЕКИСТОН РЕСУБЛИКАСИ*
*ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ*

*З.М.БОБУР НОМЛИ*
*АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ*

*ПЕДАГОГИКА КАФЕДРАСИ*



# *ИЖТИМОИЙ ПЕДАГОГИКА ФАНИДАН МАЪРУЗАЛАР МАТНИ*

*АНДИЖОН-2008 ЙИЛ*

*Ушбу «Ижтимоий педагогика» фанидан маърузалар матни Педагогика кафедрасининг 2007 йил «__» ________ даги №__сонли қарори билан барча таълим йўналишидаги талабалар учун фойдаланишга тавсия этилган.*

*Тузувчилар:* *асс. Ш.Турдиева*
*асс. М.Ортиқова*
*асс З.Азизова*

*Тақризчи:* *доц.А.Тешабоев*

Янги дарсликларни замонавий педагогик ва ахборот технологияларини ўз вақтида ишлаб чиқиш ва жорий этишни таъминлашни алоҳида назорат остига олиш зарур.

Ислом Каримов

**МАВЗУ. Ижтимоий педагогика фани хақида умумий маълумот**

**Р е ж а**

1. Ижтимоий педагогиканинг объекти ва предмети.
2. Ижтимоий педагогиканинг функциялари.
3. Ижтимоий педагогика моҳияти ва масаласи.

Келажакда Ўзбекистонни юксак даражада тараққий этган иқтисоди билангина эмас, балки билимдан, маънавий жиҳатдан етук фарзандлари билан ҳам жахонни қойил қилиш лозим. Комил инсон–етук шахснинг шаклланишида Кадрлар тайёрлашнинг миллий модели ва дастури ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Миллий модел ва дастур мақсад ва вазифаларини амалга ошириш ўз Ватанига фидокор, истиклол ва демократия ғояларига садокатли шахсни шакллантиришга хизмат қилади. Ижтимоий–сиёсий ҳаётда онгли равишда катнашадиган, ижтимоий жараёнларга фаол таъсир кўрсатадиган. Ўз мамлакатни такдири учун маъсул бўлган шахсни тарбиялаш–Кадрларни тайёрлаш миллий дастўрининг бош мақсадларидан биридир.

Милий истиклол ғояси, ўз моҳиятига кўра, ҳалкимизнинг асосий мақсадларини ифода этадиган, унинг ўтмиши билан келажагини боглайдиган, унинг асрий орзу–умидларига етишишга хизмат қиладиган ғоялар тизимидир.

Миллий истиклол ғояси:

- Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, миллий ва умуминсоний кадриятларга, демократия принцпларига асосланади;
- Ҳалкнинг асрлар давомида шаклланиб келган юксак маънавиятини, унинг анъаналари ва одатларини, буюк аждодларимизнинг умрбокий меросини ўз ичига олади;
- Эзгулиқ адолат ва хақикат, озодлик ва мустақиллик ғояларини, ҳалк ишончи ва эътикодини ифодалайди;
- Ватаннинг гуллаб – яшнашига, Ватанда тинчлик таъминланишига, ҳалк фаровонлиги ошишига хизмат қилади;
- Жамиятнинг ҳамма аъзоларини, барча аҳоли катламларини миллий ғоя – Ўз бекистоннинг буюк келажаги мақсадларига эришишга сафарбар қилади;

- Миллатидан, тили ва динидан катъий назар, ҳар бир фукарода миллий ифтихор ва кадр – қиммат туйгуларини, Ватанга мухаббатни, ўз аро мурматни, мустақиллик ғояси ва демократияга садокатни тарбиялаши керак;
- Маърифатпарварлик оркали жамоатчилик онгида тараккаёт, эрк ва миллий истиклол ғояларини шакллантиради.

Миллий истиқлол ғояси–ҳар бир ватандошимиз, унинг оиласи, бутун жамият учун Ватан олдидаги бурч ва масъулиятини бажаришнинг маънавий мезонидир. Миллий истиқлол ғояси ана шу талабларга жавоб берганидагина куйидаги асосий вазифаларини бажаришга кодир бўлади:

- Фукароларнинг ёт ғоялардан мустақил дунёқарашини ва эркин тафаккурини, прогрессив ижтимоий онгни шакллантириш;
- Ижодий, эркин фикрлайдиган, ўз билимлари ва кучларига ишонадиган шахсни тарбиялаш;
- Одамларнинг, айникса ёшларнинг, юксак озодлик ва тараккиёт идеалларига ишончини мустаҳкамлаш, чинакам гуманистик эътикодлар мустаҳкамланишига хизмат қиладиган юксак ахлоқий муҳитни яратиш;
- Ватандошларимизнинг ўзлигини англаши, айникса миллий ифтихор ва кадр – қиммат туйгулари, тарихий хотирага садокат, ватанпарварлик, мукаддас кадриятларимизга авайлаб муносабатда булиш туйгулари усишига ёрдам бериш;
- Ҳалкда ор – номус ва ҳалоллик, сахийлик, камтарлик ва бошқа шу каби ахлоқий фазилатларини ривожлантириш;
- Кўпмиллатли ҳалкимиз онгида ъъЎзбекистон – умумий Ватанимизъъ деган эътикодини шакллантириш ва ривожлантириш.

Мамлакатимиз келажаги учун Олий мажлиснинг IX сессиясида қабул қилинган Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастўрнинг амалга оширилиши жуда муҳим аҳамиятга эга-дейди Президентимиз И.А.Каримов. Бу дастўрни бажариш учун жавобгар кишилар олдига мен қуйидаги вазифаларни қўймокчиман:

Таълим тизимида мазкур тажриба қандай ўтаётганини ва унинг дастлабки натижаларини чуқур таҳлил этиб, таълим андозалари, ўқув режалари ва дастурлари мазмунига ислоҳатларнинг бош мақсадидан келиб чиққан ҳолда, яъни янги авлодни камол топтиришга қаратилган зарур тўз атишлар киритиш даркор.

Ана шу вазифаларни бажариш ижтимоий муносабатларни уйгунлашувига хизмат қилади, даврнинг тобора ошиб бораётган талабларига жавоб беришга кодир бўлган мутлако янгича типдаги шахснинг шаклланишини таъминлайди.

Миллий ғояни руёбга ошириш жараёнида ўз луксиз таълим тизимларини, Кўпрок ҳалк педагогикасида, уйинларда ва шу кабиларда ўз аксини топган прогрессив миллий, маънавий – ахлоқий кадриятлар ва нормаларни кайта тиклаш, ривожлантириш ҳамда ҳозирги ҳаётга, укув – тирбия ишларига жорий этиш билан чамбарчас боғликдир.

Ҳар бир инсонинг шахси таълим, ижтимоий муҳит таъсирида шаклланади. Натижада у ижтимоий жиҳатдан аҳамиятли бўлган вазифаларни бажаради,ижтимоий ролни ўз лаштириб олади, ўз ининг кизикиши, қобилиятини ижодий мулохаза қилиб куради, жамиятнинг бошқа аъзолари билан мустақил муносабатга киришади ва шу тариқа шахснинг ижтимоийлашуви юз беради. **Ижтимоий педагогика маънавий – маърифий фаолиятнинг алоҳида соҳаси сифатида унинг оммавийлиги, барччча аҳоли ўртасида миллий истиклол ғояларини таргибот – ташвикотини кенг олиб бориш имкониятини беради.**

Ижтимоий педагогика предмети саънатдан шахсга таъсир этадиган ғоявий –эмостионал воситалар комплексидан кенг фойдаланиш билан фарк қилиб туради. Ижтимоий педагогика Ўзбекистонда ҳам, дунёдаги бошқа мамлакатларда ҳам ўз ок ва чукур анъаналарга эга. Шунга карамай совет даврида ижтимоий педагогика ютуклари эътиборга олинмади. Бундай муаммоларни шахсга, ҳамкорлик анъаналарига, рахм–шавкатга, миллий анъаналарга бефарқ булиш холатлари билан изохлаш мумкин. Бу ижтимоий тарбия соҳаси мутахассислари олдида турган вазифаларни мураккаьлаштириб юборади. Шунинг учун ҳам ижтимоий педагогикани ривожлантириш ва мазкур йуналишда мутахассислар тайёрлаш муҳим аҳамият касб этади. Мана шунинг учун ҳам ижтимоий педагогика янги соҳа сифатида факат ижтимоий–педагогик мутахассислар давлат ва жамоат органлари бошқармаларинигина эмас, балки мутахассислар тайёрлайдиган тизимни, шунингдек ижтимоий–педагогик фаолиятининг илмий–тадкиқот базасинни ҳам ўз ичига олади. Ижтимоий педагогика якин келажакда ўқитувчи ёки тиббий ходим сингари оммавий касбга айланади, чунки айрим оламнинг ижтимоий касаллигини олдини олиш ва маънавий –ахлоқий огишини даволаш «ижтимоий эпидемия»га қарши курашга нисбатан анча осондир.

Ижтимоий педагогикани фан сифатидаги хусусиятларини англаш учун унинг тадқиқот объекти хусусиятларини ўрганмок лозим. Шу сабаб фанда тадқиқот объкти ва предмети тушунчаси мавжуд. Ижтимоий педагогиканинг тадқиқот объекти за предметини таҳлил қилишдан аввал ижтимоий педагогика терминининг ўзига аҳамият бермок керак. Бу термин ижтимой ва педагогика сўз ларидан ташқил топиб уларни маъносини ўзида жамлайади. Бу бирлик фанда дифферентсация ва интеграция ходисалари билан биргаликда намоён

бўлади. Янги билимларни ўсиши илмий фикрларни реал ҳаётга татбиқ этилиши, янги муалиммларни юзага келиши жамиятни илмга эҳтиёжини юзага келтириш даражаси фаннинг дифферентснатсияси ва махсуслаштириш тендентсияси кўз атилади. Чунончи асосий фан мустақил ривожланувчи хусусий тармокларга ажратилади. Шунингдек бир қатор муаммоларни ҳал қилишда туплам нуктаи назардан бир объектни урганувчи мустақил фан бирлигини ўзида намоён қилувчи интегратсия ходиса кўз атилади. Масалан: педагогикани бошқа фанлар билан алокасида тадқиқотнинг мустақил объектлари алоҳида кўз атилади: фалсафа билан биргаликда таълим фалсафа психология билан ўз аро муносабатда психоло- педагогика, сиёсатшунослик билан бирликда.. Бундай мисолларни Кўплаб келтириш мумкин. Педагогикада кейинги вақтда дифференция ходисаси етарли даражада кучайди. Педагогиканинг мустақил фан сифатидаги тармоклари мактабгача педагогика, махсус педагогика, профессионал педагогика ривожланиб, такомиллашиб бормокда. Ижтимоий педагогика шулар жумласидандир.

Ижтимоий педагогиканинг тадқиқот объекти педагогика урганадиган жараён ва вокелик бўлиб, у масалани муааааааайян, ўзига хос аспектда куради. Унинг ўзига хослиги эса «ижтимоий» деган сўзда ифодаланган. Ижтимоий педагогиканинг объекти инсоннинг ижтимоийлашув жараёнидир. Ҳалкнинг бой мероси, педагогикасидан, фан, маданият, жамият ютукларидан фойдаланиб, ижтимоий педагогика ўз назариясини, методи ва технологиясини ишлаб чикади. Ижтимоий педагогики давлат ва жамият институтларининг маънавий маърифий марказлари фаолияти соҳасидир, бу ерда янги кадриятлар санъати шакллантирувчи ва бирлаштириб турувчи фаолият жамланади. «Ижтимоий» тушунчасида одамларнинг бирга яшаши билан боғлиқ жараёнлар ифодаланган, аммо уларнинг мулокати ва ўз аро алокалари турли шаклларда бўлади. Демақ педагогика ўсиб келаётган авлод тарбияси ва таълими тўғрисидаги фан бўлиб, ижтимоий педагогика эса жамият аъзосини тарбиялаш ва унга таълим бериш тўғрисидаги фандир.

Ижтимоий педагогика жараён ва ходсаларни маълум специфик аспектда ўрганади. Педагогик билимларнинг бу янги тармоги спецификаси «ижтимоий» сўзида намоён бўлади. «умуминсоний тушунча инсонлар ҳаётий фаолияти, уларнинг ўзаро мулокат» формалари бўлган нарса-ходисаларпи ўзида жамлайди. Шундай қилиб, педагогика ёш ўсиб келаётган авлодни тарбияловчи ва таълим берувчи фан асослари ижтимоий педагогика таълим-тарбия жараёнида боланинг жамият ҳаётига киритишни таъминлайдиган аспектни тадкик этади. Инсонни атрофдаги муҳит билан ўзаро алокасига таъсири асосида ривожланишини унинг ижтимонйлашиш жараёни деб таъкидлаш

мумкин. Зеро ижтимоий норма -маданият кадр-қимматлар эгаллаши лозим шунингдек бу жамиятда инсонни ўз  қобилиятларини реализатсия қилиниш, назорат қилиш  ижтимоий ижтимоий тажрибани эгаллаш (билимлар кадр-қиммат хулк-атвор қоидалари жараёни ижтимоий ходиса деб номланадн. Болани ижтимоийлаштириш мураккаб ва давомли ходисадир. Бир томондан ҳар қандай жамият ўзининг ривожланиш этапида маълум ижтимоий, маънавий кадр- қиммат, ўз ини тўтиши, ахлоқий конун-қоидалар, нормалар ишлаб чикади. Жамият  бир авлод шу жамиятдаги конун-қоидаларни эгаллаб унинг тенг хуқуқли аъзоси сифатида яшаб, фаолият кўрсатишни кўз да тўтади. Бунинг учун жамият таълим-тарбия нормаси оркали шахсга таъсир курсатади Иккинчи томондан, атрофдаги оламда содир этилаётган турли ходисалар унинг шаклланишга таъсирини курсатмай қолмайди. Жамият ўзаро муносабатда бўлган ўзаро ҳаракатланадиган хилма-хил ижтимоийи институтларни ўзида намоён қилади. Шулар оркали бола томонидан ижтимоий нормаларни эгаллаш жараёни амалга ошади. Булардан баъзилари болани ривожланиши ва ижтимоий шаклланишига таъсир курсатади, бошқалари эса унинг шахсий сифатларини шаклланишига ижобий таъсир курсатади. Бундай ижтимоий институтлар қаторига оила,таълим, маданият ва дин киради.

Ўз  қобилиятини инсон томонидан жамиятда Кўплаб куйдаги жараёнларда амалга ошади;

А) Инсонни жамият билан стихияли ўзаро муносабатда ва  унинг ҳаётий  жабҳаларига  стихияли  таълим жараёнида.

Б) Инсонларни у ёки бу категориясига давлат томонидан педагогика нимани ургатадиқ Ижтимоий педагогика инсонларнинг бутун эгалаётганаётган  давом этаётган амалга оширадиган ижтимоий тарбияни тадкик таъсир кўрсатиш жараёнида.

В) Инсон ривожланиши, уни тарбиялаш учун кулай шарт—шароитлар яратиш.

Г) Инсон ўз ини тарбиялаши ва ривожлантириш жараёнида.

Шундай қилиб, ривожланиш инсонни шаклланиш жараёни, ижтимоийлаштириш-конкрет ижтимоий шароитлар асосида ривожлантиришдир.

Инсон тарбияси асосан оилада амалга оширилади. Бу холатда биз оилавий педагогика объекти бўлган оилавий  хусусий тарбияларида мулохоза юритамиз.

Тарбиялаш диний идоралар оркали амалга ошади. Бунда конфессионал тарбияга дуч келамиз. Тарбиялаш давлат ва жамият томонидан шу мақсадида ташқилотлар оркали юзага келади. Бу ижтимоий педагогика тадқиқот  объекти бўлган ижтимоий тарбиялаш жараёни хусусида фикрлаймиз. Ижтимоий

тарбиялаш сиёсатшунослиқ ижтимоий: жараёнининг таркибий кисми ҳисобланади. Ижтимоий педагогика матнда уни ижтимоийлаштириш билан бориш олдида урганади яъни, планета, мамлакат мактаблардаги инсон тарбиясига ижтимоий омиллар таъсир этиш ишлаб чикариш тарбиясида оила, оммавий ахборот воситалар, атрофда одамлар билан мулокот ўрнини куриб чикади.

Ижтимоий педагогикани нима учун урганиш лозим:

**Ижтимоий педагогика -** фаннинг шундай таркибики унинг воситасида:

**Биринчидан** инсон ҳаётда маълум сабаблар асос ичида юзага келган ходислар урганилади.

**Иккинчидан** инсоннинг ривожланиши учун қуллай шароитлар яратишни кўз да тўтади.

**Учинчидан** таъсир этувчи ходисаларни олдини олади.

Ижтимоий педагогика укув предмети сифатида ижтимоий педагогик фаолият тасвирини ҳарактерлайдиган вазифасини амалга оширади. Бу вазифани амалга ошириш ижтимоий педагогикани урганиш жараёнида талабалар томонидан бир қатор мақсадларни амалга оширшни кўз да тўтади: маълум доирадаги назарий билимларни эгаллаш ва буларни амалда куллаш муаммони олдиндан куриш ва ечишга субъект ва ижтимоий жараёнга кура ижтимоий гуманитик муносабатларни шакллантириш.

Ижтимоий педагогика ижтимоий тарбия муаммосини урганади. Бу ижтимоий пеагогика укув курсини тузилишини ўзида акс эттиради. У ижтимоийлаштириш жарёнини ижтимойи педагогик ходиса сифатида урганади. **Ижтимоий педагогика** педагогиканинг мустақил бир булаги бўлиб у кишилар жамоаси ҳамда алоҳида шахсларга таълим тарбия жараёнидаги ижтимоий муаммолар уларнинг келиб чиқиш сабаблари ҳамда бу муаммо-ларнинг бартараф этилишининг назарий ва амалий жиҳатларини ўргатади. **Ижтимоий педагогика фани** ижтимоий шахснинг ўзига хос миллийлик томонларини тарбия жараёнида ўргатиб боради.

Педагогика ва социал педагогика бир-бирига жуда боғлиқ, лекин улар-нинг фарки шундаки, Педагогика фани ижтимоий шахснинг факат таълим ва тарбияси билан шугулланади. Ижтимоий педагогика эса бола шахсини ва унинг болалигини ҳимоя к;илади.

**Ижтимоий педагогика фанининг мақсади ва вазифаси.**

Педагогик социология фанинг мақсади жамиятдаги ҳар бир шахснинг ҳаётида учрайдиган ижтимоий муаммоларни бартараф этиш ва ҳал к;илишдан иборат. Таълим ва тарбия масалалари билан шугулланиш, кексалар, қариялар, касал ва боқувчисини йукотганлар, меҳрибонлик уйида тарбияланаётган болалар холидан хабар олиш. Шу жумладан фохишабозлиқ наркомания ва

қонунбўз арликка қарши курашиш. Бу иллатлардан жамиятни, айникса келажак авлодни ҳимоя қилиш зарур.

**Ижтимоий педагогика** фанинг вазифаси қуйидаги 4 боскични ўз ичига олади.

1. Болани ва усмирни хақикатгуй қилиб тарбиялаш ва вояга етказиш;
2. Шахснинг мустақил фикрлай олиши, муаммога дуч келганида уни мустақил равишда ҳал қила олиши ва ўз муносабатини билдириши;
3. Атрофдаги кишилар билаn эркин ва маданий ҳолда муомала қилишни ўргатиш;
4. Ҳаётдаги ўз олдига қўйган мақсад ва вазифаларини онгли равишда тушунишга ўргатиш;

Ўзбекистонда ижтимоий педагогикани тиклаш ва уни янги босқичга кўтариш учун хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиш, бу соҳадаги илмий билимлар ва миллий тадбирларни ривожлантириш бу жараён давомида юзага келадиган муаммо ва кийинчиликларни таҳлил қилиш ҳам катта роль ўйнайди.

Ижтимоий педагогика ва ижтимоий ишларининг ривожланиш тарихи жуда якин. Энг аввало, уларни одамларга алоҳида гамхурлик ва эътибор талаб этадиган маданий–тарихий анъана бирлаштириб туради. Ижтимоий педагогика ва ижтимоий ишларда рахм–шавкат, «хайрия», «ёрдам» каби тушунчалар жуда Кўп ишлатилади. Аммо уларнинг аниқ ифодаланган ўзига хос жиҳатлари ҳам бор, мамлакатимизнинг дастлабки ривожланиш босқичида улар расман тан олинган институт сифатида намаён булди, масалан, ижтимоий ишлар аҳолини ижтимоий ҳимоялаш соҳасида ривож топди, ижтимоий педагогика эса, юқорида таъкидланганидек таълим тизимида ва ёшлар ишлари бўйича кумита муассасаларида ривожланди. Ижтимоий педагогик ва ижтимоий ходимлар фаолияти аста-секин кенгайиб, бири иккинчисини тўлдира борди. Ишларини узвий равишда кўшиш, яъни маънавий–мафкуравий, маърифий фаолиятини педагогика билан бирга олиб бориш учун зарур шароит яратиш лозим. Бу ижтимоий педагогика соҳасидаги янги ижтимоий буюртма бўлиб, тадқиқот ишларини йулга куйишда хақиқий жушкинлик касб этади.

Кўпгина мустақил фанларнинг бирлашиб бир объектни ҳар хил нуктаи назардан ўрганганда интеграция муаммоси кузатилади .Масалан, педагогиканинг бошқа фанлар билан тўкнашиши натижасида яна мустақил фанлар юзага келди. Философия билан таълим философияси, социология билан таълим ва тарбия социологияси, психология билан педагогик психология.

**Ижтимоий педагогика** педагогикадан ажралиб чикди. Унинг кузатув марказида педагогикада ўрганладиган барча жараёнлар намоён бўлади.

Ижтимоий педагогика алоҳида фан ва амалий фаолияг соҳаси сифагида боланинг ижтимоий муҳитда ривожланиши (социумда ривожланиши) билан шуғулланади.

**2-МАВЗУ: Ижтимоий педагогика асослари**

Дарсда ҳал этиладиган масалалар:

1. Ижтимоий педагогика алоҳида фан ва амалий фаолият соҳаси сифатида.
2. Одам-индивид ва шахс сифатида. Инсон шахсининг моддияти, биологик психологик ва ижтимоий жиҳатларнинг уйгунлашуви;
3. Шахснинг таркиб топишида ирсият, муҳит ва камолот (таълим тарбия);
4. Ривожланиш - шахснинг жисмоний ва ақлий жиҳатдан етишиш жараёни эканлиги;
5. Ўкувчи шахси камолот жараёнинг объекти ва субъекти

Таянч иборалар:

1. Шахс.
2. Биологик ходиса.
3. Педагогик жараён.
4. Одам индивид.
5. Ирсият.
6. Ақлий, ахлоқий, эстетиқ жисмоний тарбия.
7. Ривожланиш.

Фукаролар ўз конститустиявий хуқуқларига, конкрет табиий, иктисодий, ижтимоий–тарихий, миллий маънавий–маданий шароитларга асосланган ахлоқ нормаларига тула риоя этган ҳолдагина ривожлана олади. Ижтимоий таълим ва тарбия тизимидан утган ҳар бир одам–шахс сифатида шаклланади.

Ижтимоий вазифаларни бажариш лаёкатига эга бўлган, ўз ининг кизикиши, қобилиятини ижодий намоиш эта оладиган, жамиятнинг бошқа аъзолари билан мустақил муносабатга кириша оладиган одам шахс сифатида ижтимоий мавкега эришади.

Айни вақтда ижтимоий педагогика ва ижтимоий ишлар амалий фаолияти бир–бирига жуда якин, бу якинлик вазифасига кура, мазмунига кура ва иш методига кўра юз беради, улар хеч қачон бири иккинчисини кесиб ўтмайди.

Президентимиз Ислом Каримов «Миллий истиклол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» китобининг кириш кисмида таъкидлаганидек миллий давлатчиликка доимо хавф бўлган, бор ва бўлади. Бу хавф–хатарини бартараф этиш учун маънавий–маърифий фаолиятни янги боскичга кутариш, миллий истиклол ғоясини жорий этиш масаласида ижтимоий педагогик ёндашувидан

кенг фойдаланиш: дифференстиастиялашган психологик–педагогик дастўрни, янги дарслик ва қўлланмаларни яратиш зарур. Жамият дунё ҳамжамиятининг динамик ўзгариши муносабати билан ўкитиш, тарбиялаш, тарғибот ва ташвиқот ишларини ўзвий равишда кўшиш, яъни маънавий–мафкуравий, маърифий фаолиятини педагогика билан бирга олиб бориш учун зарур шароит яратиш лозим. Бу ижтимоий педагогика соҳасидаги янги ижтимоий буюртма бўлиб, тадқиқот ишларини йулга куйишда хақикий жушкинлик касб этади. Ижтимоий педагогика педагогика соҳасининг педагог фаолияти билан боғлиқдир. Шунинг учун ижтимоий педагоглар педагогика университстларида етишиб чиқадилар. Ижтимоий педагог педагоглик соҳасида асосий боғлиқликларидан бири-соҳа объекти болалардир. Ижтимоий педагог фаолиятининг марказида эса нормал ижтимоий фаолиятдан четлашган-болаларни жамиятдаги тенгдошлари қаторига кайтариш ҳисобланади. Ижтимоий педагогика фанининг объекти ижтимоийлаштиришга мақсад бўлган болалар, уларга ақлий, педагогик психологиқ социал ахлоқий нормалардан четлашган ижтимоий тарбия ола олмаган ва жисмоний, ақлий,психик томондан бўз илишга юл куйиладиган болалар улар ҳаммаси жамиятининг алоҳида ёрдамига мақсаддир. Ижтимоий педагог -факат ўқитувчи эмас, бола қандай укиётганини ва ривожланаётганини тушунадиган ва хис этадиган шахсдир. У бола ҳаётини, кечинмаларини худди ўзиникидагидек тушунадиган ва унинг маънавий, маданий, ахлоқий ривожланишида йулланмалар бера оладиган мутахассис булмоги керак.шунинг учун хақикий педагог факат ўз фанини билибгина қолмай, айни вақтда болалар ва катталар билан ижодий мулокот қила оладиган, ўз устида ишлайдиган инсон булиши муҳим аҳамиятга эга.

Шахс тарбияси ва ривожланиши педагогика фанининг муҳим муаммоси ҳисобланади. Ўсиб ва ривожланиб борувчи инсон тарбия объекти ҳисобланади. Инсоннинг ривожланиши бутун ҳаёти давомида давом этади. Бунда у турли ўзгаришларни жисмоний, руҳий, микдор ва сифат ўзгаришларни ўз бошидан кечиради. Инсонда бўладиган жисмоний ўзгаришларга–бўйиннинг ўсиши, вазнининг оғирлашиб бориши, суяк ва мЎшак тизимларининг ички аъзолари ва асаб тизимининг ўзгариб бориши киради. Руҳий ўзгаришлари эса унинг ақлий ривожига алоқадор бўлади ва инсонда руҳий сифатларнинг шаклланиб бориши, унда ҳаёт учун зарур бўлган сотсиал сифатларни таркиб топиши ҳисобланади. Одам боласининг ривожланиши–бу муҳим жараён ҳисобланади. Шахснинг камол топишида ва унинг хулқига ижтимоий ва биологик омилларнинг таъсир кучи ҳамиша бир хил бўлавермайди. Шахснинг фазилатларини тўғри аниқлаш ва бехато баҳолаш учун уни турли муносабатлар

доирасида, турли вазиятларда кузатиб кўриш лозим. Педагогикада "шахс" тушунчаси "инсон" тушунчасидан фарқли ўларок, у инсоннинг ижтимоий хусусиятларини англатади. Янги жамият бошқа одамлар билан муомалада бўлиши, муносабат ўрнатиш натижасида шаклланиб борадиган сифатларни билдиради. Инсон руҳий хусусиятларини ривожланиши (ақл, ирода, диққат, ҳаракат ва ҳоказо), ҳаётда ўз ўрнини топа олиши, унинг Ватан, ҳалқнингт равнақи йўлида оғишсмай, эътиқод билан хизмат илиш, имонли бўлиши, инсонни шахс даражасига кўтаради. Бундай сифатларнинг рўёбга чиқиши тарбияга боғлиқ бўлади. Фан фаолиятинипг бир соҳаси у янги объектив билим ва кўникмаларни яратади. Инсон ривожланиши жуда кийин протсесс. Ривожланиши ҳар қандай тирик организмга шу жумладан инсонга ҳам хосдир. Ривожланиш ташки ва ички факторлар таъсири остида бўлади. Ташки факторларга: Инсони ураб турган таббиий ва ижтимоий муҳит киради. Болаларда маълум шахсий жиҳатларни шакллаштиришга каратилган мақсадли юналтирилган фаолият киради. Ички факторлар:биологик факторлар киради. Инсон ривожланишга тасир қиладиган факторлар бошқариладиган ва бошқарилмайдиган бўлади. Боланинг ривожланиши протсессида турли фаолиятларга дуч келади: уйин укиш, мехнат, спорт ва бошқалар, турли кишилар билан мулокотда бўлади ота-онаси, ака укаси, кариндошлари дустлари ва бошқалар билан. Турли фаолиятларда турли инсонлар билан мулокотга киришиш натижасида турли ижтимоий кўникмалар хосил була бошлайди.Боланинг нормал ривожланиши учун мулокотнинг аҳамияти жуда каттадир. Болага глобал, экологик факторлар: сув, хаво ифлосланиши ҳозирги кунга келиб кур, саков яъни нуксонли болаларнинг Кўпайиши кўз атилмокда Экологик факторлар натижасида таянч аппарат бўз илишини, шизофрения кон касалликлари каби касалликларга олиб келмокда. Лекин болани ижтимоийлаштиришда протссссида буларни ҳаммасини ҳисобга олиш керак ижтимоийй факторларга: Микро факторлар макро факторлар,мезон факторлар киради. Боланинг ривожланишида социумнинг аҳамияти жуда каттадир Болага энг якин бўлган социумлар булар-оила турли хил гуруҳлар турли хил тугараклардир. Бола бир социумдан иккинчисига утиб юриши мумкин.У факатгина бу социумдан ўзига мос келадиган кулай шароитни кидиради ва шу кидириш натижасида ўзига ижтимоий малака етиштириб боради,бу орттирган малака салбий ёки ижобий булиши мумкин. Боланинг социумда ривожланишига ижтимоий маком шахсининг таъсири жуда катта бўлади.Ижтимоий маком тугма,орттирилган бўлади. Тарбия тарихий вужудга келган ижтимоий ходиса бўлиб, кейин хулкни бошқариш ва белгилаш бир-бирини талаб этадиган ва белгилайдиган таркибий кисмлар-ахлоқий онг ахлоқий фаолият ва ахлоқий муносабатларнинг мураккаб йигиндисидир.

Тарбия-шахсни мақсадга мувофик; такомиллаштириш учун уюштирилган педагогик жараён бўлиб, тарбияланувчиларнинг шахсига мунтазам ва системали таъсир этиш имкониятини беради. Тарбия кишилик жамиятнинг пайдо булиши билан вужудга келди, тараккий этди, жамиятнинг ўзгариши билан тарбия ҳам ўз гариб борди. А.Авлоний тарбия ҳақида гапирар экан шундай деган эди: тарбия бизлар учун, ё ҳаёт, ё момот, ё нажот, ё ҳалокат, ё садокат, ё фалокат масаласидир. Расули акром Набийи мухтарам саллолоху алайху васаллам афандимиз: «Инсонларнинг карами динидадир, муруввати аклидандир, насаби ахлоқдандир, -демишлар». Маълумки инсон бутун умри мобайнида ўзгариб. ривожланиб боради. Лекин болалиқ усмирлик ва успиринлик давридаги усиш нихоятда кучиш кечади. Бола мана шу йлллар мобайнида ҳам жисмоний ҳам рухий жиҳатдан усиши ва ўз гариши туфайли шахс сифатида камолга етади, бунда улар ҳарактерига сингдирилаётган тарбия мақсадга мувофик таъсир этиши натижасида бола жамият аъзоси сифатида камол топиб мураккаб ижтимоий муносабатлар жараёнида жамиятда ўзига муносиб ўрин эгаллайди. Шунинг учун ҳам Л .И.Божович одам шахс булиши учун у психик жиҳатдан ривожланиши, ўз ини бир бутун инсон деб хис қилмоги ўз хусусият ва сифатлари билан бошқалардан фарк қилмоги керак деган эди. Ҳар бир одам шахс сифатида турлича намоён бўлади. Бир одам бошқасидан ўз ини мижози феъл- атвори. қобилияти, ақлий ривожлашга даражаси, эҳтиёж ва кўрсатишлари билан фарқ қилади. Булар одамнинг шахсий, рухий хусусиятлари бўлиб, ана шу хусусиятларининг ривожланиши талим-тарбия чуккисига эриштандан сунг. инсон шахс сифатида ўз ини намоён қила олиши мумкин. Айни вақтда одам атроф муҳитда рун бераётган вокеа ва ходисаларга нисбатан ўз нуктаи назарга ҳам эга булмоги керак. Бу ҳам шахсни бирини иккинчисидан фарклантирадиган белгилардир. Шахс ижтимоий муносабатларда ҳам намоён бўлади. Аникроги ҳар бир ходамнинг мехнатга. кишиларга, жамиятга нисбатан муносабати ҳам турлича ифодаланади. Шахснинг ахлоқий ва фаоллик даражасига хос сифатлари ҳам уни бошклардан ажратиб туради. Шахс хақида гапирилганда табиий холатда шундай савол тугилади. Ҳар қандай одам шахс була оладими Шахс булиши учун нималар қилиш керакқ Бу саволга шундай жавоб бериш мумкин. Инсоннинг Социал мавжудод сифатида шахсга айланиши учун энг аввало. ижтимоий ҳаёт тартиблари ва яхши тарбия керак бўлади. Ана шундай омиллар таъсири остида инсон ривожланади ва шахсга айланади. Педагогика соҳасида тадқиқот олиб борувчи олимларнинг Кўп йиллик изланиш натижалари асосида инсоннинг ривожланишига куйидагича таъриф беришади: Оддийдан мураккабга, куйидан юқорига, эски сифатлардан яхши холатга утиш, янгиланиш янгининг пайдо булиши ва эскининг улиб бориши, микдор ўз гаришнинг сифат ўз гаришга

олиб келувчи мураккаб ҳаракат жараёни деб карайдилар. Зеро, ҳаёт крнунларининг кўрсатишича ҳам ривожланишнинг асосий манбаи карама-каршиликлар ўртасидаги курашдан иборатдир. Инсоннинг муносабатлар доирасига нафакат ўз га кишилар билан алокаси, балки табиатга, жамиятга , ҳаётга, мехнатта бўлган муносабатлари ҳам киради. Мана шундай муносабатлар асносида инсон ўз ининг қобилиятларини, аклини, фаросатини намоён қила бошлайди. Бу билан у ўз хақидаги Ватанига, умуман бутун борликдаги муносабатини ифодалайди. Табиийки, бу фазилатлар факат тарбиянинг махсули бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун ҳам инсон ривожланишини унга сингдирилган тарбиянинг натижаси деб қараш мумкин. Шахсини ривожлантириш вазифасини тўғри хал қилиш учун аввало унинг ҳалкига таъсир этувчи омилларнинг табиатини, шахснинг шахсий хусусиятини яхши урганмок лозим. Бунингучун турли муносабатлар доирасига куйиб кўз атиш даркор. Ана шундагина шахснинг ижтимоий хулки маънавий киёфаси, инсоний фазилатлар руёбга чикади. «Ҳар бир инсон, деган эди Фаробий; ўз табиати билан шундай тўз илганки. у яшаш ва юксак етукликка эришмоқ учун Кўп нарсаларга мақсад бўлади, у бир ўз и бундай нарсаларни кулга кирита олмайди ва уларга эга булиш учун инсонлар жамоасига эҳтиёж тугилади. Ху сабабли одам яшаш учун зарур бўлган нарсаларни бир-бирларига етказиб берувчи ва ўз аро ёрдамлашувчи Кўп инсонларнинг бирлашуви оркалигина ўз табиати бўйича интилган етукликка эришув мумкин. Тарбиячининг болага сингдириши лозим бўлган тарбия самарали таъсир этиши учун унинг усиш ва ривожланиш конуниятларини яхши билиш, шахсий хусусиятларини ҳисобга олиши муҳим шартлардан биридир. Болаларга шахсий фаркни уларнинг рухий холатининг турлича намоён булишини, хулки ва қарашларидаги фаркни кайси омил белгилайди деган табиий савол тутилади. Демақ инсон ривожланишда биологик омилми, ижтимоий омилми ёки тарбия омилими кайси, бири етакчи рол уйнайди деган саволга жавоб бериш лозимдай кўринади. Бу; саволга турли тарихий лаврларда турлича ёндошиб, жавоблар берилган. Ҳозирги кунда ҳам бу
масалага турли нуктаи назарлар билдирилмокда. Очикроги, фанда одамнинг шахс сифатида ривожланишига биологик ва Социал омилларнинг таъсири ўртасидаги муносабатни белгилаш борасига мунозара Кўп асрлардан бери давом этиб келмокда. Кўп асирлик мазкур мунозара замирила икки бир-бирига карама қарши нуктаи назар вужудга келган. Улардан бири одам боласининг шахс сифатида ривожланишида табиий-биологик омиллар ҳал қилувчи рол уйнайди деса, иккинчи тоифа олимлар эса ижтимоий вокеалар тарбиянинг муҳим омил эканлигини такидлайлилар. Биринчи гуруҳ олимларининг фикрича одам боласининг ривожланиши тугма имкониятларга боғлиқ бўлиб,

ривожланиш эса усиш ва табиий тугма хусусиятларнинг микдорий ўз гаришларидан иборат экан. Демақ болага она аджида авлод-аждодларидан тугма утган хусусиятларгина ривожланади, деган тушунча келиб чикади. Бу нук;таи назар намоёнлалари тарбиянинг ролини чеклаб ривожланишнинг инкор этадилар. Бундай илмий фараз фанда биологик йўналиш деб ататади. Бу Гтуналишнинг дастлабки намоёндалари кадимги юнон олим ва файласуфлари Аристотсл, Платон, Сукрот ва Демократларнинг педагогик қарашларида ўз аксини топиб. улар одамлар азалдан бири иккинчиси устидан хукмрон булишга. бири камбакал, бири бой бўлиб яшашга ва бунда итоат этиб. бу оллохнинг иродаси деб сабр-токат қилишга даъват этилган. Такдир. толе ҳар кимнинг ҳаётдаги ўрнини белгилаб берган. Ризк-рўз ини. умрини улчаб бсрган. Шу жумладан инсоннинг келажакда қандай инсон булиши ҳам уларнинг наслий сифатларига Кўп жиҳатдан боклиқ деб курсатганлар. Айтиш жоизки, худди шунга якин нуктаи-назарни ХВИ аср фалсафасида вужудга келган «префоризм» окими намоендатарининг фикрларида х;ам учратиш мумкин. Улар одам боласига она пуштидан қандай сифатлар утган булса, факат шу сифатларгина шаклланади деб ижтимоий муҳит ва тарбиянинг ролини чегаралаб куйишади. Инсон шахси ва унинг. хулк-атворнинг ривожланишрха наслнинг ролини юксак баҳолаган яна бир окдм «бихевиоризм» бўлиб, у XX асрънинг бошларида кенг таркалди. Бу окимнинг кўз га кўринган йирик намоёндалари Эдуард Трондайк бихевиоризм таълимотига асосланиб, одамнинг хулк-атвори механиқ стимуллари организмда бевосита тугдирадиган Кўплаб кулинадиган механиқ машклар билан мустаҳкамланадиган соф ташки реактсиялардан иборатдир, дейди. Унинг фикрича, шахснинг барча хусусиятлари. шу жумладан онг ва ақлий қобилият ҳам наслдан наслга ўтади, гуё одамнинг «кўз и, тишлари ва бармоклари каби ақлий қобилияти табиатан берилгандир Инсон «генлар батареяси» бўлиб, улар наслдан-наслга тутма утиб боради ва шахснинг ривожланишини ҳам, унинг келажагини ҳам шулар белгилайди, дейди. Американинг «прогматик» пелагогикасининг атокди вақили Д.Дюи ва унинг назариясининг давомчиси А.Комбслар ҳам шахс ривожланишини биологик омил деб изохлайдилар. Улар ривожланишни факат микдорий ўз гаришдан иборат деб курсатадилар. Одам нима билан тугилган булса, тарбия жараёнида бу сифатлар ва хусусиятлар ўсиб боради. Тарбия ташкаридан киритилган нарса эмас, одам билан дунёга келган хусусият ва қобилиятни ўзгартиради» - дейди Д.Дюи. Дархақикат, педагогика фани одам боласининг шахс сифатида ривожланиб. тараккий этиб боришини ута мураккаб ва карама-қарши жараён деб билали. Унинг шахс сифатида шаклланишида насл ҳам (биологик омил), ижтимоий муҳит ҳам (бола яшайдиган шароит), тарбия ҳам ўз холи ва ўз ўрни билан муҳим рол уйнайди.

Бу ҳар учала омилнинг кайси бири етакчи эканлигини педагогика фани асрлар мобайнила авлод-аждодларимиз туплаган тажрибаларга суянган ҳолда илмий нуктаи назардан исботлаб беришга ҳаракат қилади. Шахс маълум ижимоий тўз илгана махсули. Унинг моҳиятини ижимоий муосабатларнинг ташил этади у яшаётган жамиятдаги конкрет тарихий шароит белгилайди. шахснинг ҳаётий фаолиятида содир бўладиган ижтимоий муҳит унга ҳам ижобий ҳам салбий кўрсатиши мумкин. Зеро, одам ота-боболар тажрибасини урганади, шахе сифатида ривожланиб боради, урганган тажрибаларни такомиллаштиради. Натижада уларни ўз фаолиятида қўллайдилар.. Ана шу яшаётган шароит ва мехнат қилаётган шароит унга булаётган тарбиявий таъсир ва фаолият жараёнидаги активлик туфайли шахсий хусусиятлар вужудга келади, Демақ одам шахсининг жамиятдаги ривожланиши табиат, муҳит ва инсонинг ўз и ўртасидаги мураккаб алокд таъсири остида руй беради, инсон уларга актив таъсир этади ва шу юл билан ҳаётини ўз табатини ўз гартиради. Педагогик ва психологик окимлар шахснинг ривожланишида ирсиятнинг ролига катта аҳамият бериш билан бирга муҳит ва тарбиянинг ролига ҳам юксак баҳо беришади.

Зотан шахснинг камолга етишида ирсият ва биологик омилларнинг ролини инкор этиш асло мумкин эмас, лекин болаларга ўз гармас хусусиятларгина ўтади деб тушунмаслик ўзгарувчан хусусиятлар ҳам унутмаслик керак. Тарихий тараккиёт жараёнид одамнинг анатомик белгилари. ўз гаришлари авлоддан-авлодга мустаҳкамланиб бориши наслдан-наслга ўтиши мумкин. Айни вақтда, одам боласига хос хусусиятлар ҳам ирсият билан ўтади, аммо бу хусусиятларнинг ривожланиши учун улар инсонлар орасида яшаши, алока қилиши муҳим рол уйнашини унутмаслик лозим. Агар болада тугма лаёкатлар булсаю, лекин, уни устиришга ёрдам берадиган ижтимоий, оилавий ва тарбия муҳити булмас экан инсон бўлиб тугилишнинг хожати ҳам юкдир. Мадомики шундай экан, демақ бола ўз лаёкатига мос шароитларда ўсиб зарур фаолият билан шугулланса, лаёкат эрга кўриниб, ривожланиши, аксинча, зарур шароиг булмаса бор қобилият ҳам юк бўлиб кетиши мумкин. Мана шундай нуктаи назар инсон лаёкатининг намоён булиши ва кообилият сифатида ривожланиши тула-тукис ҳаёт шароитига боғлиқ. эканлигини курсатади. Одам боласидаги крбилият кўртакларининг ривожланиши. аввало ижтимоий муҳитга боғлиқ экан. Яна шу нарсани ҳам айтиб утиш керакки. шароит кулай ва нокулай булиши ҳам мумкин. Бутун жахонга маълум ва машхур ўрта осиёнинг буюк алломалари оналаридан бири табиб, бири шоир, бири хандаса, бири мухандис, бири файласуф бўлиб тугилмаган, балки, уларнинг яшаб турган даври, ижтимоий муҳити колаверса оила муҳити уларнинг мана шундай инсонлар бўлиб етишишларида асосий туртки бўлган,

улар яшаб турган ҳаётнинг маъноси, идеал ва вокелиқ ахлоқий хақикат бурч ва борлиқ ахлоқий ҳаётда объективлик ва субъективликнинг ўз аро муносабати, билиш ва кадр қиммат сингари ахлоқий сифатларнинг ута шакллланганлиги ҳам бу каби инсонларни етишиб чикишида асосий туртки бўлади. Ўша даврда инсонпарварлик ғоялари кадр-қиммати. инсонийлик янги ва юксак боскичга кутарилган эди. Шунинг учун ҳам Мирзо Бедил Хакди равишда тарбияда инсон кадр-қимматининг буюклиги хақида гапириб шундай дейди; - «Хазрати инсоннннг хурмат-ехтиромга сазовор эканлигини тан олмаган ҳар кнм малъундир». Дархақикат бундай инсонлар кадриятларимиз дахрси булиши ином Бухорий, Фаробий, Ахмад Яссавий, Юсуф Хос хожиб, Суфи Оллоёр, Абу Райхон Беруний, Абу али ибн Сино, Умар Хайём, Саъдий Схерозий, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Захириддин Муҳаммад Бобур. Мирзо Улугбеқ Мирзо Бедил, Ахмад Дониш ва бошқа Кўпгина мутафаккирларнинг таълим-тарбия ва маърифат хақидаги ғояларидан кенг фойдаланиш ва уларнинг дидактик қарашларини педагогика фанининг риволанишида методик асос қилиб олиш бугунги кун талабидаги ёшларни тарбиялашда муҳим омил бўлиб ҳисобланади.

Индивиднинг социумга киришии мураккаб жараён ҳисобланади.. Бир томондан, индивидга ҳамжамиятлар аъзоси сифатида фаолият кўрсатиш имконини берадиган муайян кардиятлар тизимини (нормалар, намуналар, билимлар, тасаввурларни) ўзлаштириб олишни ўз ичига олади. Иккинчи томандан, шахснинг ўз ижтимоий тажрибасини орттириши ва ўз ини фаол карор топтиришини ўз ичига олади. Ижтимоийлашувнинг самарадорлигини (одамнинг ижтимоий жараёнларга тула – тукис кушилганлигини) билдирувчи энг муҳим курсаткичлар ижтимоий фаоллик ва ҳаракатчанликдир. Ижтимоий фаоллик–шахснинг ижтимоий жараёнларда онгли равишда катнашиши, уларга таъсир кўрсатиш имкониятининг мувжулдигидир. Тоталитар тизим шароитида ижтимоий тизимнинг ҳар қандай жойида одам ижтимоий жараёнларга таъсир курсата олмас, уларни ўз гартириш йулида ижтимоий фаоллик курсата олмас эди. Бу хол одамнинг жамиятдаги ўз ўрнини белгилаб олиши жараёни кўпинча унинг реал истаклари ва интелектуал қобилиятларига боғлиқ булмаслилигига боғлиқ булмаслилигига олиб борар эди. Бинобарин, шахснинг социал роли унинг ижтимоий жараёнлар ҳамда уларни ўз гартириш имкониятлари хақидаги тасаввурларига адекват эмас эди. Индивиднинг социумга киришиши иборат мураккаб жараён ҳисобланади. Бир томондан, индивидга ҳамжамиятлар аъзоси сифатида фаолият кўрсатиш имконини берадиган муайян кардиятлар тизимини (нормалар, намуналар, билимлар, тасаввурларни) ўз лаштириб олишни ўз ичига олади. Иккинчи томандан, - шахснинг ўз ижтимоий тажрибасини орттириши ва ўз ини фаол карор топтиришини ўз ичига олади.

Ижтимоийлашувининг самарадорлигини (одамнинг ижтимоий жараёнларга тула–тукис кушилганлигини) билдирувчи энг муҳим курсаткичлар ижтимоий фаоллик ва ҳаракатчанликдир. Ижтимоий фаоллик–шахснинг ижтимоий жараёнларда онгли равишда катнашиши, уларга таъсир кўрсатиш имкониятининг мувжулдигидир. Тоталитар тизим шароитида ижтимоий тизимнинг ҳар қандай жойида одам ижтимоий жараёнларга таъсир курсата олмас, уларни ўз гартириш йулида ижтимоий фаоллик курсата олмас эди. Бу хол одамнинг жамиятдаги ўз ўрнини белгилаб олиши жараёни Кўпинча унинг реал истаклари ва интелектуал қобилиятларига боғлиқ булмаслилигига боғлиқ булмаслилигига олиб борар эди. Бинобарин, шахснинг социал роли унинг ижтимоий жараёнлар ҳамда уларни ўзгартириш имкониятлари хақидаги тасаввурларига адекват эмас эди. Жамият ҳаёти марказлаштирилган бир шароитда шахснинг ижтимоий ҳаракатчанлиги ҳам, яъни жамиятдаги ўз мавкеини истаклари ва қобилиятларига мувофик ўз гартириш имконияти жуда кам эди. Одамнинг ҳаётдаги ўз ўрни хақидаги тасаввури билан реал мавкеи ўртасида фарк бўлган бир шароитда ижтимоий макомни шахсий талаблар, қобилиятлар ва кадрият йуналишларига мувофик ўз гартириш мумкин эмас эди.

Назорат саволлари.

1. Педагогикани фан сифатидаги хусусиятларини курсатиб беринг.
2. Ижтимоий педагогикани функцияларини айтиб беринг.
3. Ижтимоий педагогика терминига тавсиф беринг.
4. Ижтимоий педагогикани функцияларини санаб беринг.

## 3- МАВЗУ Ўзбекистон ва чет элда ижтимоий педагогиканинг ривожланиш тарнхн

**Режа:**

1. Ўзбекистон ижтимоий педагогиканинг ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари.
2. Чел эл ижтимоий педагогика ривожланиш тарихидан.
3. Ижтимоий педагогикани ривожланиш босқичлари

Асосий тушунчалар: Ижтимоий иш, меҳрибонлиқ хайрия.

Ўзбекистонда ижтимоий педагогиканинг ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари.

**Ижтимоий педагогика** фанинг тараққиёт боскичлари.

Ижтимоий педагогика фани бундам 200 минг йил олдин х,ам мавжуд бўлган.Факат унда бу фан педагогиканинг таркибида бўлган. Педагогик

социология фанинг илк кўртаклари Европа ва Осиёда ёзилган .Бу фан асосан 820-829 йиллардан бошлаб ривожланган,ал-батта фан бўлиб эмас. Ҳозирда пед.социология фан сифатида кири-тилган. Педагогик социология социология фанинг интеграстиюн тармоги сифатида. Ҳар бир фан анқ бир хақиқатдан “ўсиб чиқади”, унинг аксини ифодалайди. Илмий билимлар амалий фаолиятидан ўз илган ҳолда ривожлана олмайди. Айнан амалиёт исталган фаннинг манбайи ҳисобланади. Бошқа томондан, барча амалий фаолият ҳам агар илм фан ютуқларига асосланган бўлса янада самарали бўлдаи. Ижтимоий педагогиканинг фан сифатида ҳам, амалий фаолият муҳити сифатида ҳам фарқлайдилар, аслида улар бир-бири билан ўзаро боғлиқ. Амалий фаолият- бу ижтимоий педагўгиканинг аниқ бир бола ёки болалар гуруҳи билан олиб борадиган ишидир.

Ижтимоий–педагогик иш Ўзбекистонда давлат ва жамоат ташқилотлари фаолиятида алоҳида ўринни эгаллайди. «Миллий ғоя–бизнинг ғоя», «Истикболимиз–истиқлолимиз», «Тафаккуримизни ўзгартирган ўн йил» мавзуларидаги тадбирлар бунга мисол бўла олади. Жамоат ташқилотлари, маданият, маориф, санъат муассасалари фаолиятига тегишли бўлган маънавий –маърифий шаклдаги ишлар ҳам шулар жумласига киради. Уларнинг фаолияти ьаргибот ва ташқилот ишларининг куламини кенгайтиради, усаётган авлод тарбиясида янги имкониятлар очади. Маънавий муассасалар яна бир муҳим вазифа бажаради. Гап одамларнинг жамоа бўлиб маънавий ҳаёт кечиришни ташқил этиш устида бормокда. Бу вазифа инсон ва жамиятнинг билиш эҳтиёжини кондириш, уларнинг фаолиятида учрайдиган ходисаларни, мехнатини, турмушини, буш вақтини чукур мушохада қилиш билан узвий боғлиқдир.

Ижтимоий педагогика ўқув фани сифатида ҳам олдинга чиқиши мумкин. Ўқув фани-бу умум таълим ёки махсус таълим муассасалаларида ўрганиладиган предметдир. Ўзбекистонда ижтимоий педагогиканинг ривожланиши ўзига хос хусусиятга эга- фан, илмий билимлар соҳасида махсус амалий фаолият ҳамда ўқув фани сифатида. Қадим антик даврлардаёқ болани ҳимоя қилиш мақсадида ўз ижтимоий педагогик тарбияга оид муаммоларни олдинга сурганлар. Эрамиздан аввалги 7-6 асрлар марказий осиё худудида жахон динлари орасида энг қадимги дин зардуштийлик дини хукумронлик қилди. Бу дин инсониятга катта тасир қилди, яни инсонни биринчи ўринга олиб чиқди. Зардуштилар муқаддас китоби “Авесто” (оловга сиғиниш) ўз эрасининг ўзига хос қомусий асари деб ҳисоблаш мумкин. Зардушти динда ахлоқий меёрлар асоси (ахлоқий мезонлар) учликка таянган эди. “Авесто”да-инсон яхши фикрларга эга бўлиши, фақат яхши сўзлар ва сабли ишлар қилиши лозим деб ёзилган (хулқ атвор)1.

“Авесто”нинг катта қисми бўлган “ Яснаъларда инсон камолини кўрсатувчи ахлоқ–одоб мезони анашу учликда хумата (гумата)–яхши фикр, хукта (гукта) – яхши соз ва хварша (гваршта)–яхши ишларда ифодаланади. “Мен яхши фикр, яхши сўз, яхши ишга шон шавкат бахш этаман. Мен яхшиликдан иборат қонунга шон шавкат бахш этаман” (“ясна”, 14), дейилади. “Авесто” тадқиқотчиси А.О.Маковелский инсон фири, сўзлари ва ишларига икки қарамақарши куч: Воху Мана (“Езгу фижр”) ва Апо Мана (“Ёвўз фикр”) таср кўрсатади дейди. Барча фикрлар, сўзлар ва ишлар ичида аслида эзгулик ва ёвўз лик ётади. “Яхши фикр” деганда илохий-қонун рухидаги кишисига меҳрибон бўлиш, мақсадларга кўмаклашишга, ёвузликка қарши курашишга тайёр туриш, кишиларни бахт-саодати учун ҳаракат қилиш, аҳиллик ва дўстлиқ тотувликда яшашга интилиш рухидаги ниятлар ва фикрлар мусаффолиги тушуинилган. Инсон ўз фикри хаёлида бошқаларга хасад қилмаслиги лозим. Яхши ниятли киши дарғазаб бўлмайди ва бошқа жиҳатларга берилмайди. Чунки бундай холатда инсон яхши ниятни ёъқотади, бурч ва адолат хақида унитади ва ножўя ҳаракталар қилади.

Педагогика фани тарихи қадимги даврларига бориб тақалади. Кўп минг асрлар мобайнида педагогика фалсафанинг ичида ривожланди. қадимги замонлардан буён оламда инсоннинг ўрни ва роли, шахснинг ахлоқий шакллланишида маданият ва диннинг аҳамияти баркамол шахс ривожланиши масалалари ва шу кабилар. Шарқ уйғониш даври (9 –11асрлар) қомусий олимлари Абу Наср ал Фаробий (873 –1037) шундай ижтимоий педагогик ғояларни айтиб ўтганларки, болани айни гўдаклик чоғиданоқ тарбиялай бошлашнинг зарурати, шунингдеқ боланинг тарбиясига табиат атроф муҳитнингтасири ва бошқа фикрлар кабидир. 15 –16 асрларда Марказий Осиёда табиатшунос-файласуфлари, тарихчи, шоир ва рассом-мусаввирлари ўз ижодларида ижтимоий фанларга алоҳида этибор билан қараб, табиат сирларини ўрганишга интилганлар. Булар қаторида Нуриддин Абдурахмон Жомий (1414 –1492), Жалолиддин Давоний( 1427 –1502), Алишер Навоий (1441 –1501), Хусайн Боиз Кошифий (1440 –1505) ўз асарларида инсон ақли тафаккури, унинг қобиляти, инсоннинг алоҳида ахлоқий хислатлари, инсонийлик ғоялари, болалар тарбиясида умуминсоний қадрият ҳисобланади. Шу жумладан, ўзбек тилини асосчиси буюк аллома, мусиқачи, давлат арбоби, Алишер Навоийнинг ижтимоий педагогик ғоялари, юксак даражада инсонпарварлиги билан ажралиб туради. У инсонни бутун коинотда, бу оламда энг олий мавжудод деб ҳисоблаган. Болани эса оилага қувонч ҳам бахт келтирувчи муқаддас ином сифатида уйни ёритиб юборади деб ҳисоблайди. Инсон ўз фарзандигина эмас, балки келажак авлод бўлган барча болаларни севмоғи шарт деб ёзади шоир. Ижтимоий педагогикага оид фикрларни бизнинг

олим ва алломаларимиз, марифатпарварларимиз, жадидчилик ҳаракати етакчилари, 20 аср бошларида яшаб, ижод қилган алломалар Махмудхўжа Бехбудий (1874 –1919), Мунаввар қори Абдурашидов (1878 –1931), Абдулла Авлоний (1878 – 1934), Абдуқодир Шакурий (1875 –1943), Х.Х.Ниёзий (1839 – 1929) ва бошқаларнинг асарларида ҳам кўплаб келтириш мумкин. Ижтимоий педагогиканинг фан сифатида вужудга келиши 20 аср 20-30 йиллари алоҳида ўрин тўтади. Бу даврда А.Авлоний, А.Шакурий, М.Қори Абдурашидов, Х.Х.Ниёзий, В.Ф.Лубенсов, Н.П.Архонгелиский, О,Шарофиддинов каби педагогларнинг фаолияти муҳим аҳамиятга молик. Улар аввало ижтимоий издан чиқиб кетаётган болаларга ёрдам кўрсатиш, Яни бу алломалар ижтимоий педагоглар бўлиб, улар ташқил этган мактаблар шунингдеқ бошқа педагоглар тажрибаларига таянганлар. А.Авлоний номидаги Х.Г.Чернишевский номодаги болалар тажриба мактаблари ва бошқа муассасалар ижтимоий педагогиканинг амалий манбаи бўлиб ҳисобланадилар. Бироқ Ўзбекистонда ижтимоий педагогиканинг ривожи амалга ошмади. Бунда аввалги янги иттифоқ совет педагогикаси ва оша давр педагогикаси ўртасида ажралиш юзага келди. Узоқ йиллар мобайнида Ўзбек марифатпарварлари-педагоглари томонидан тўпланган барча билимлар инкор этилганди. Педагогикада шундай шиор тарқалаганди "Олам зўравонликдир, биз уни илдизи билан қўпорамиз".

Марксист педагоглар томонидан, шу вақтгача бўлган педагогика соҳасидаги октябр тўнтарилишигача бўлган асарларни унитиш талаб этилди. 30 йиллар охирида социализм ғалаба қилганлиги эълон қилинди. Шу вақтдан бошлаб ижтимоий муаммолар хақида сукут сақлаш шарти мустаҳкамланди. Бу муаммолар алоҳида енгил ҳал этиладиган, "есқилик сарқити"деб баҳоланди. Бу эса ўз ўрнида ижтимоий педагогикани фан сифатида ривожланишига йўл бермади. 1991-йил Ўзбекистон Республикаси эълон қилиниши билан педагогиканинг кўпгина соҳаларини, шу жумладан ижтимоий педагогикани ҳам ривожлантириш вазифаси қўйилди. 1997-йил "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури", "Таълим тўғрисида қонун" 91997йил) қабул қилиниши билан манабий-ахлоқий тарбиянинг самарали йўлларини топиш, манавий маданиятни ривожлантириш, шахсни фуқоро сифатида, эркин тафаккурли шахсни шакллантиришнинг энг самарали ёълларини яратиш мақсадида педагогик фан олдига таълим тизимини демократлаштириш ва инсонпарварлаштириш каби вазифалари қўйилди. Республикамизда ижтимоий педагогиканинг илмий ва амалий соҳаси эндигина шаклланмоқда. Мазкур соҳада илмий-тадқиқот ишлари шунчалик долзарбки, бу фан бўйича мамлакатимизда: "Маънавият ва марифат маркази", "Оила" маркази, нодавлат хукуматга қарашли бўлмаган хайрия жамғармаси "Соғлом авлод учун" Ўзбекистон Республикаси Ҳалқ таълими қошидаги ТДПУ (мавкура) ғоявий-

сиёсий кафедралар ва бошқалар Республикамизнинг ҳар бир навбатдаги йилни ижтимоий муаммолардан бирига бағишлаши анана тусига кирган. Масалан: 2001 йил–“Оналар ва болалар” йили деб эълон қилинганди. Шу муносабати билан “Ўсмир ва соғлом турмуш тарзи” деб номланган Республика метогик семинари ўтказилиб, мактабларда “Соғлом авлод тарзи” предмети киритилиб, соғлом турмуш тарзини шақиллантирувчи ижтимоий муаммолар масалалари кўриб чиқилди.

